SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son S/8

2023

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SPR1342V3SI8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

**МУНДАРИЖА**

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Намазова Умида Нормуродовна*
ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ)........ 10-15

*Эрназаров Туйгун Раджабович*
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ........ 16-21

*Хужаниязов Уктам Ешбаевич*
“ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ........ 22-27

*Шаимкулов Азамат Холмуратович*
ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ........ 28-38

*Муродов Ҳалим Салимович*
ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР........ 39-46

*Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН........ 47-51

*Shonazarova Nargiza*
TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR........ 52-57

*Axmadova Nafisa Axmad qizi*
O‘ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI........ 58-64

*Qodirova Ra’no Mamirjonovna*
O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O‘QITILISHI........ 65-70

*Yunusxo‘jayev Habibulla Zafar g‘o‘li*
SHARQDA KUCHLI IJTIMOIY HIMOYA TIZIMI TARIXI........ 71-75

*Нарбеков Абдикамил*
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ........ 76-80

*Alimova G‘unchaxon Baxadirovna*
JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA........ 81-85

*Jumanazarova Fotima*
XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI........ 68-93

## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich*
PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW........ 94-100

*Hamrayev Amirzoda*
ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKILOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI ........ 101-109

*Хайтбоева Нигора Бакматовна*
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ ........ 110-119

*Xalilov Qahramon Qurbonboyevich*
MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI ........ 120-132

*Махмудов Турсунпулат Давронович*
ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ ........ 133-144

*Ishchanova Salomat*
KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI ........ 145-150

*Мўйдинова Зилола Вохид қизи*
ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА "АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ ҲАРАКАТИ" МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 151-158

*Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon*
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI ........ 159-164

## *09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ*

*Саидова Камола Ускanбаевна*
ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ ........ 165-173

*Omonturdiyev Orzu G'afforovich*
INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI ........ 174-179

*Очилова Гузаль Араловна*
ЮКСАК МАЪНАВИЯТ–МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ........ 180-185

*Nurmatova Umida Jalolidinovna*
MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI ........ 186-192

*Vafayeva Dilafruz Artikovna*
AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK ........ 193-198

*Karimov Zafarbek Ataboyevich*
IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEXANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI ........ 199-202

*Bozorova Ro'zigul Sharofovna*
MEHRSIZLIK HODISASINI KELTIRIB CHIQARUVCHI OMILLAR ........ 203-212

*Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna*
DINIY MANBALARDA IJTIMOIY HAMKORLIK O'OYALARI ........ 213-218

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*
TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI ........ 219-224

*Dehqonov Behzod Baxtityorovich*
YANGI O‘ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG‘RIKENGLIK G‘OYALARINI O‘RNI VA AHAMIYATI ....................225-230

*Abdullayeva Firuza Sharipovna*
NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI ....................231-236

*Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich*
SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING “AVORIF UL -MAORIF” ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G‘OYALAR ....................237-243

*Ибрагимов Солижон Эргашович*
АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДИ....................244-251

## ***10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***

*Qodirova Mukaddas Tog‘ayena*
BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI....................252-257

*Abdullayev Ikramjon Xashimdjanovich*
DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE ....................258-265

*Hamroyeva Sharifa Shukur qizi*
TARJIMADA MILLIY SO‘ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING “NAVOIY” ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA) ....................266-271

*Olimova Gulfiza Muradullayevna*
BADIIY SAN’AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO‘LLANILISHI....................272-281

*Айниддинов Иқрориддин Шарифович*
АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ....................282-287

*Turaeva Dilfuza Daminovna*
O‘ZBEK TILIDA OBRAZLI SO‘ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI ....................288-295

*Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna*
LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO‘LISHI....................296-305

*Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli*
LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ....................306-311

*Isroilova Manzura Jamolovna*
FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING KOMMUNIKATIV TA`SIRI XUSUSIDA ....................312-317

*Шамақсудова Саодат Хидоятовна*
МАССМЕДИА АСПЕКТИНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР....................318-324

*Шатова Ирина Юрьевна*
ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ ....................325-330

*Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna*
FRAZEOLOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI ....................331-335

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*
KOʻP MAʻNOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI ....................336-340

*Турниязова Шахноза Нигматовна*
МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР ....................341-347

*Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich*
INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI ....................348-352

*Aminova Dilnoza Xikmatullayevna*
THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY ....................353-358

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи*
ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ ....................359-365

*Mamataliyev Toʻlqin Xushmamat oʻgʻli*
OʻZBEKISTONDA MASOFAVIY TAʼLIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI ....................366-378

**13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Saidov Jur’at Sodirovich*
MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING OʻZIGA XOS XUSUSIYATLARI ....................379-384

*Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,*
TEXNIK OLIY OʻQUV YURTLARIDA OOʻZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI ....................385-390

*Таджиходжаева Эльвира Рашидовна*
ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ ....................391-396

*Тўрахонова Барно Турсунбой кизи*
БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ....................397-406

*Ashurova Sitora Erkinovna*
USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION ....................407-412

*Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна*
ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида) ....................413-421

*Xamirayev Rustam Abdirazakovich*
VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH ....................422-426

*Хашимова Масуда Камилжановна*
КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК ....................427-435

*Бердикулова Насиба Эркинжоновна*
СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ ....................436-442

*Saidnazarova Gulshan Bolta qizi*
AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA ........................................ 443-448

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/8 (3)-2023.**
**ISSN: 2181-1342 (Online)**
**https://scienceproblems.uz**

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Махмудов Турсунпулат Давронович**
Термиз давлат университети таянч докторанти
E-mail: set_3070@mail.ru

## ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

**Аннотация.** Мақолада Сурхондарё вилоятига киритилган инвестициялар ва уларнинг манбалари таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида вилоят ҳудудларида 2010-2022 йиллардаги статистик маълумотлардан фойдаланилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида жалб этилган инвестицияларнинг вилоят ҳудудларидаги тақсимланишига кучли таъсир қилувчи манбалар аниқланган. Шунингдек, натижаларга кўра инвестицияларни жалб этиш кўламини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** минтақа; инвестиция; корхона маблағлари; давлат бюджети маблағлари; аҳоли маблағлари; хорижий инвестициялар.

**Mahmudov Tursunpulat Davronovich**
Doctoral student of Termiz State University

## THE INFLUENCE OF INVESTMENT SOURCES ON THE REGIONAL ECONOMY

**Abstract.** The article analyzes investments made in the Surkhandarya region and their sources. The analysis process used statistical data from 2010-2022 for the regions of the region. Based on the study, sources have been identified that have a strong influence on the distribution of attracted investments by region. Also, based on the results, proposals were developed to increase the volume of investment attraction.

**Key words:** region; investments; enterprise funds; state budget funds; means of violence; foreign investment.

**Махмудов Турсунпулат Давронович**
Докторант Термезского государственного университета

## ВЛИЯНИЕ ИСТОЧНИКОВ ИНВЕСТИЦИЙ НА ЭКОНОМИКУ РЕГИОНА

**Аннотация.** В статье анализируются инвестиции, осуществляемые в Сурхандарьинской области, и их источники. В процессе анализа использованы статистические данные 2010-2022 годов по регионам области. На основе проведенного исследования выявлены источники, оказывающие сильное влияние на распределение привлеченных инвестиций по регионам. Также по итогам разработаны предложения по увеличению объемов привлечения инвестиций.

**Ключевые слова:** регион; инвестиции; средства предприятия; средства государственного бюджета; средства насиления; иностранные инвестиции.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N18

### Кириш

Минтақаларни барқарор ўсишини, соҳа ва тармоқларининг мутаносиб ривожланишини таъминлашда инвестициялар муҳим рол ўйнайди. Бу эса, инвестицияларни фаол даражада жалб этиш ҳамда улар кўламини оширишни талаб

қилади. Шундай бўлсада, инвестициялар кўламини оширишгина эмас, улардан самарали ҳамда оқилона фойдаланишга ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Бунда, инвестицияларни жалб қилиш билан бирга соҳа ва тармоқларда оптимал тақсимлаш ҳам муҳим саналади. Инвестицияларни минтақаларда жалб этишни оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришда илмий-услубий жиҳатларини тизимли тадқиқ қилиш лозим.

Жумладан, минтақаларда инвестицияларни жалб этиш масаласини тадқиқ қилишда соҳа ва тармоқлар кесимида номутаносиб тақсимланишига алоҳида эътибор қаратамиз. Бу эса, минтақаларда инвестицияларни жалб этишни оптимал тартибга солишни такомиллаштириш масаласини муҳимлик даражасини белгилаб беради. Одатда, инвестицияларнинг асосий улушини ташкил қилувчи марказлашмаган инвестициялар юқори даромадли соҳаларга йўналтирилиши билан тавсифланади [1]. Айниқса соҳа ва тармоқлар кесимида саноат ва хизматларга йўналтирилган инвестициялар қишлоқ хўжалигига нисбатан устун ҳисобланади. Ўз навбатида, саноат соҳасининг тармоқларида эса, хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини табиий ресурсларни қазиб олиш ва дастлабки қайта ишлашга йўналтирилганлик даражаси ҳам катта улушга эга. Демак, инвестицияларни манбалар кесимида марказлашмаган инвестицияларни жалб этиш ҳамда соҳалар кесимида тақсимланишини тартибга солишни такомиллаштиришимиз лозим. Бунда масаланинг иқтисодий-статистик жиҳатларига, иқтисодий-математик ёндашувларга ҳамда истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишга эътибор қаратамиз.

**Таҳлил ва натижалар**

Сурхондарё вилоятига киритилган инвестициялар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шундай бўлсада, шаҳар ва туманлар кесимида бир-биридан кескин фарқланиш мавжуд. Шунингдек, йиллар кесимида нотекис ўзгаришларга эга бўлмоқда. Мазкур кўрсаткичларни иқтисодий-статистик таҳлил қилиш орқали минтақанинг барқарор ўсишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқамиз. Жумладан, вилоятга йўналтирилган инвестицияларнинг 2010-2022 йиллардаги реал ҳажмининг ўртача ўсиш суръати 113,6 фоизга тенг бўлган. Шунингдек, 2010, 2014, 2020 ва 2022 йилларда салбий ўсиш кузатилган. Мазкур ҳолатнинг биринчи сабаби, минтақада қазиб олиш саноатининг ривожланиши ҳисобига ушбу йўналишда киритилган инвестициялар ҳажмининг аввалги йилларга нисбатан кескин ўсиши ҳисобига манбаларидаги нотекис ўзгариш ҳисобига юз берган. Яъни, хорижий инвестицияларнинг улуши 2019 йилда 2018 йилдаги 21,4 фоиздан кескин 66,3 фоизга ўсган бўлса, 2020 йилда 60,1 фоизгача пасайган. Худди шундай ҳолат банк ва аҳоли маблағлари манбасида ҳам кузатилган бўлиб, унинг улуши 2019 йилдаги 11,1 фоиздан 2020 йилда 7,6 фоизга пасайган. Шу билан бирга, мазкур даврда коронавирус пандемиясининг салбий таъсири ҳам юз берган. Шуни алоҳида таъкидлаймизки, инвестицияларнинг ўсиш суръати 2016 йилдаги 107,6 фоиздан 2017 йилга келиб кескин ўсиб 148,4 фоизни ифодалаган ҳамда 2018-2019 йилларда юқори ўсиш кузатилган.

Юқоридагилар қатори минтақанинг шаҳар ва туманларида ҳам 2010-2022 йилларда ўртача ижобий ўсиш кузатилган. Жумладан, энг юқори ўртача ўсиш суръатлари Бандихон ва Бойсун (161,7 фоиз) туманларида аниқланди. Нисбатан паст ўртача ўсиш суръатлари Олтинсой (106,8 фоиз), Қумқўрғон (107,8 фоиз), Узун (108,6

фоиз), Қизириқ (109,4 фоиз) туманларига тўғри келмоқда. Паст кўрсаткичлар тўғри келган туманлардаги ҳолатни омилли тадқиқ этганимизда икки жиҳатни аниқладик. Биринчидан, ушбу туманлар асосан қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган. Жумладан, саноат ва хизматлар соҳасининг улуши ўта паст қийматларга эга. Иккинчи сабаб эса, инфратузилманинг ривожланмаганлиги ҳисобланади. Шу боис, мазкур ҳудудларда давлат хорижий шерикчилик асосида инфратузилмани, айниқса, агрологистика тизимини ривожлантириш лозим.

Шунингдек, инвестицилар кўламини, уларнинг тақсимотини оптималлаштириш ҳамда ривожлантириш учун туманлар кесимидаги ҳиссаларини ҳам алоҳида баҳолаймиз. Жумладан, вилоятдаги инвестициялар кўламини 100 фоиз деб олсак, унга шаҳар ва туманларнинг қўшган ҳиссаси нотекис ўзгариб борган. Юқори кўрсаткичлар Бойсун (15 фоиз), Сариосиё (11,7 фоиз) туманларига ҳамда Термиз (13,2 фоиз) шаҳрига тўғри келган. Нисбатан, паст улушлар эса Ангор (3,5 фоиз), Музработ (3,5 фоиз), Узун (3,0 фоиз), Шўрчи (3,3 фоиз) туманларида аниқладик (1-жадвал). Мазкур ҳолат омилли таҳлил қилинганда юқори боғлиқлик инфратузилма эканлигини аниқладик. Шунингдек, ушбу ҳудудлар вилоят марказидан узоқлиги ҳамда нисбатан ривожланиш даражаси паст туманлар ҳисобланади. Аввалги параграфда кўриб ўтганимиздек, аҳоли жон бошига тўғри келган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича мазкур туманлар ўртача вилоят кўрсаткичидан ортда қолмоқда. Демак, туманлар кесимида инвестицияларни жалб этишни оптимал тартибга солишни такомиллаштириш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз:

туманлар хусусиятига мос ва мавжуд хом ашёни қайта ишловчи тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш;

агроинфратузилма объектларини ривожлантиришга қаратилган фаолиятга давлат инвестицияларини кенгайтириш;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

ҳудудларни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш.

Шу билан бирга, минтақа ҳудудларида инвестицияларни жалб этишни оптимал тартибга солишда манбалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига ҳам тўхталамиз. Бунда, дастлаб минтақага жалб этилган инвестициялар манбаларидаги энг юқори улушга эга корхона маблағлари ҳиссасини баҳолаймиз. Ушбу кўрсаткич бўйича Термиз шаҳри (31,3 фоиз), Бандихон (39,0 фоиз), Термиз (40,4 фоиз), Шеробод (39,8 фоиз) туманларидан бошқа ҳудудларда 50 фоиз ва ундан юқори ҳолат аниқланди. Юқори улуш кузатилган ҳудудларда бошқа манбаларни жалб этиш механизмининг етарлича шаклланмаганлигидан далолат беради (2-жадвал). Демак, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг қолган манбаларини ҳам баҳолаймиз.

Жумладан, минтақа ҳудудларининг инвестиция салоҳиятини оширишда давлат бюджети маблағлари муҳим ўрин тутади. Мазкур манба инвестиция кўламини икки йўналишда ўсишига ҳамда жалб қилишни оптимал тартибга солишда долзарб рол ўйнайди.

**1-жадвал**

**Сурхондарё вилоятига киритилган инвестициялардаги шаҳар ва туманларнинг ҳиссаси, фоизда [4]**

| Ҳудуд номи | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | Ўртача |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Термиз ш. | 7,2 | 10,0 | 10,2 | 14,6 | 12,9 | 14,0 | 12,3 | 20,0 | 16,4 | 10,9 | 12,1 | 13,4 | 16,9 | 13,2 |
| Олтинсой | 4,9 | 4,6 | 4,4 | 5,0 | 4,9 | 4,7 | 4,3 | 3,4 | 3,4 | 2,2 | 3,5 | 2,9 | 2,5 | 3,9 |
| Ангор | 2,9 | 3,0 | 3,0 | 4,0 | 4,3 | 4,2 | 4,5 | 3,7 | 3,4 | 1,5 | 2,0 | 3,6 | 4,7 | 3,5 |
| Бандихон | | | | | | | | | | 0,4 | 0,7 | 1,6 | 2,2 | 1,2 |
| Бойсун | 14,7 | 8,5 | 8,4 | 8,7 | 9,4 | 9,4 | 9,3 | 7,5 | 7,4 | 45,6 | 32,6 | 13,9 | 19,0 | 15,0 |
| Денов | 5,7 | 6,0 | 6,6 | 7,1 | 7,5 | 7,4 | 7,4 | 5,9 | 5,5 | 4,8 | 6,4 | 10,8 | 10,9 | 7,1 |
| Жарқурғон | 7,1 | 7,2 | 7,3 | 9,7 | 9,6 | 9,4 | 9,4 | 7,5 | 8,6 | 5,5 | 6,0 | 4,1 | 5,6 | 7,5 |
| Қизириқ | 3,5 | 6,0 | 5,9 | 6,7 | 6,4 | 6,2 | 6,1 | 4,5 | 5,4 | 1,7 | 1,8 | 2,9 | 2,3 | 4,6 |
| Қумқурғон | 6,6 | 6,1 | 6,3 | 6,9 | 6,8 | 6,8 | 6,7 | 6,5 | 4,1 | 2,1 | 3,4 | 4,6 | 3,9 | 5,5 |
| Музработ | 3,1 | 3,3 | 3,4 | 4,3 | 4,2 | 4,1 | 4,0 | 3,1 | 3,0 | 2,8 | 3,3 | 4,6 | 2,9 | 3,5 |
| Сариосиё | 15,6 | 11,2 | 10,9 | 12,1 | 11,7 | 11,5 | 11,7 | 10,1 | 11,4 | 9,1 | 7,7 | 18,1 | 11,0 | 11,7 |
| Термиз | 5,0 | 5,3 | 5,6 | 7,8 | 8,5 | 8,8 | 10,0 | 7,7 | 6,8 | 5,8 | 8,6 | 7,1 | 7,3 | 7,2 |
| Узун | 3,2 | 2,9 | 2,9 | 3,9 | 4,0 | 3,9 | 4,1 | 3,0 | 2,0 | 1,8 | 2,5 | 2,9 | 2,4 | 3,0 |
| Шерободод | 3,8 | 4,4 | 4,4 | 5,2 | 5,7 | 5,6 | 5,9 | 13,6 | 19,8 | 3,4 | 6,5 | 6,2 | 5,0 | 6,9 |
| Шўрчи | 3,3 | 3,2 | 3,1 | 4,0 | 4,1 | 4,0 | 3,8 | 3,3 | 2,8 | 1,9 | 2,9 | 3,2 | 3,5 | 3,3 |

**2-жадвал**

**Сурхондарё вилояти ҳудудларига киритилган инвестиция манбаларидаги корхона маблағлари улуши, фоизда [4]**

| Ҳудуд номи | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | Ўртача |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Термиз ш. | 34,0 | 37,1 | 30,3 | 20,5 | 30,9 | 28,0 | 19,2 | 35,5 | 33,0 | 29,9 | 27,7 | 33,5 | 46,8 | 31,3 |
| Олтинсой | 57,9 | 48,2 | 51,1 | 61,2 | 85,3 | 75,7 | 72,3 | 76,9 | 34,7 | 23,8 | 54,5 | 33,9 | 42,4 | 55,2 |
| Ангор | 61,2 | 62,6 | 58,3 | 65,3 | 61,0 | 70,6 | 67,5 | 62,2 | 36,9 | 36,8 | 39,2 | 26,4 | 24,5 | 51,7 |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Бандихон | x | x | x | x | x | x | x | x | x | x | 53,0 | 37,5 | 26,6 | 39,0 |
| Бойсун | 25,4 | 57,3 | 42,7 | 29,6 | 36,4 | 39,9 | 28,3 | 47,9 | 31,5 | 2,0 | 4,7 | 11,0 | 8,1 | 28,1 |
| Денов | 64,4 | 67,1 | 73,4 | 75,0 | 74,7 | 73,3 | 73,4 | 68,8 | 42,5 | 35,3 | 42,6 | 30,6 | 34,2 | 58,1 |
| Жарқурғон | 66,6 | 66,4 | 64,9 | 72,3 | 76,7 | 75,9 | 66,9 | 51,3 | 33,2 | 18,3 | 58,4 | 45,9 | 47,1 | 57,2 |
| Қизириқ | 58,8 | 62,5 | 51,3 | 65,5 | 67,8 | 71,2 | 77,7 | 76,9 | 50,7 | 31,1 | 29,1 | 23,2 | 26,6 | 53,3 |
| Қумқурғон | 71,3 | 73,6 | 76,7 | 67,5 | 80,4 | 77,5 | 78,3 | 65,0 | 48,1 | 30,6 | 26,0 | 22,3 | 34,1 | 57,8 |
| Музработ | 61,5 | 51,3 | 45,7 | 47,9 | 70,9 | 77,5 | 72,1 | 62,0 | 36,4 | 25,1 | 33,4 | 29,5 | 48,5 | 50,9 |
| Сариосиё | 27,4 | 82,3 | 83,3 | 79,2 | 78,3 | 81,1 | 80,6 | 57,1 | 20,0 | 26,1 | 20,5 | 33,0 | 21,1 | 53,1 |
| Термиз | 45,0 | 50,4 | 52,6 | 29,5 | 51,0 | 45,9 | 43,8 | 54,0 | 40,1 | 19,7 | 28,0 | 30,7 | 34,6 | 40,4 |
| Узун | 69,2 | 65,1 | 66,0 | 57,4 | 74,3 | 69,7 | 81,0 | 66,4 | 65,9 | 33,5 | 30,6 | 32,0 | 35,9 | 57,5 |
| Шерободод | 42,9 | 54,4 | 48,0 | 44,1 | 47,8 | 53,4 | 51,0 | 19,6 | 29,2 | 25,4 | 21,9 | 35,2 | 44,3 | 39,8 |
| Шўрчи | 49,6 | 59,7 | 63,4 | 57,8 | 72,5 | 62,5 | 74,0 | 64,6 | 59,6 | 37,3 | 26,7 | 39,2 | 40,6 | 54,4 |

Жумладан, биринчи йўналиш бўйича инвестиция минтақада капитал ҳажмига ҳисса қўшади ва унинг кўламини оширади. Бу айниқса, инвестиция жалб этиш нисбатан ортда қолган ҳудудлар учун зарурдир. Иккинчи йўналишда, давлат инвестицияси хусусий сектор ва хорижий инвесторлар учун рағбатлантириш вазифасига эга ҳисобланади. Чунки, таҳлиллар натижасини кўрсатишича, давлат бюджетидан йўналтирилган инвестициялар хорижий инвестиция ҳамда банк ва аҳоли маблағлари кўлами билан ижобий корреляцияга эга бўлган. Шу билан бирга, давлат бюджети инвестицияларининг юқори даврида минтақадаги инфратузилманинг ҳам мутаносиб ривожланиши таъминланган. Шундай бўлсада, мазкур манбанинг самарадорлик таъсири иқтисодиётда миқдорий таъсирига нисбатан ортда қолади. Бунинг асосий сабаби, давлат доим ҳам самарадорлиги юқори ёки иқтисодий нафлилигига мувофиқ инвестиция фаолиятини амалга оширмайди. Аксинча, ижтимоий нафга ҳам эътибор қаратади. Жумладан, туманларда амалга оширилаётган “обод маҳалла” , “обод қишлоқ” дастурлари, “аёллар дафтари”, “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” кабиларга йўналтирилган маблағлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, аҳолига муносиб ҳаёт тарзини ташкил қилиш учун ажратилаётган субсидияларни ҳам санаб ўтишимиз мумкин.

Мазкур манбанинг вилоят ҳудудлари бўйича юқори улуши Термиз шаҳри (16,4 фоиз), Олтинсой (12 фоиз), Бандихон (26,8 фоиз) туманларига тўғри келган (3-жадвал).

Нисбатан паст кўрсаткичлар эса Бойсун (2,0 фоиз), Денов (5,4 фоиз), Сариосиё (2,8 фоиз) туманларига мос келган. Юқори улушга эга ҳудудларни жорий вақтда инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларининг қабул қилинганлиги билан асослаймиз. Давлат бюджети инвестициялари паст улушга эга туманларда реал ҳажми ўсувчи ҳолатга эга бўлсада, қисқариш сабаби - инвестициянинг қолган манбаларининг юқори улушлари билан асослаймиз. Яъни, мазкур туманлар табиий ресурсларга бой ҳудудлар ҳисобланиб, ушбу минтақаларга йўналтирилган хорижий инвестиция ҳамда тижорат банклари маблағлари ҳиссаси юқоридир.

Шу боис, минтақага жалб этилган инвестицияларнинг манбаларидаги хорижий манбаларни тадқиқ этамиз. Жумладан, хорижий инвестицияларнинг юқори улуши Бойсун (53,2 фоиз), Термиз (27,7 фоиз), Шеробод (24,7 фоиз) туманларига ва Термиз (24,2 фоиз) шаҳрига тўғри келмоқда. Нисбатан паст кўрсаткичлар эса Олтинсой (12,7 фоиз), Узун (12,3 фоиз), Денов (13 фоиз) туманларига тегишли эканлигини аниқладик. Шундай бўлсада, охирги йилларда шаҳар ва туманларда хорижий маблағларнинг инвестициялардаги улуши юқори кўрсаткичларга эга бўлган (2.2.4-жадвал). Яъни, 2019-2022 йиллар давомида энг паст кўрсаткич Сариосиё туманига тегишли бўлган ва 20 фоизни ташкил қилган.

**3-жадвал**

**Сурхондарё вилояти ҳудудларига киритилган инвестиция манбаларидаги давлат бюджети маблағлари улуши, фоизда [4]**

| Ҳудудлар номи | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | Ўртача |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Термиз ш. | 28,7 | 23,5 | 9,2 | 7,0 | 12,9 | 7,8 | 37,3 | 19,7 | 9,4 | 10,5 | 16,7 | 16,5 | 13,7 | 16,4 |
| Олтинсой | 28,7 | 18,2 | 9,5 | 4,8 | 5,7 | 5,9 | 5,8 | 11,0 | 2,8 | 15,4 | 9,0 | 15,8 | 22,8 | 12,0 |
| Ангор | 13,7 | 11,6 | 5,9 | 4,2 | 4,7 | 1,4 | 2,3 | 3,1 | 1,8 | 14,0 | 27,9 | 11,9 | 5,8 | 8,3 |
| Бандихон | х | х | х | х | х | х | х | х | х | х | 10,4 | 39,4 | 30,5 | 26,8 |
| Бойсун | 0,7 | 2,9 | 0,4 | 4,6 | 2,2 | 2,3 | 2,6 | 0,7 | 2,3 | 1,0 | 1,5 | 2,4 | 1,9 | 2,0 |
| Денов | 19,3 | 9,1 | 1,3 | 2,2 | 0,8 | 1,5 | 3,1 | 7,6 | 2,6 | 11,5 | 10,6 | 14,0 | 28,1 | 8,6 |
| Жарқўрғон | 7,6 | 9,2 | 3,9 | 1,1 | 3,6 | 3,8 | 3,9 | 1,7 | 2,6 | 5,8 | 8,1 | 11,9 | 6,8 | 5,4 |
| Қизириқ | 19,5 | 8,2 | 1,4 | 3,2 | 2,6 | 2,6 | 3,1 | 5,4 | 1,4 | 12,3 | 19,4 | 17,1 | 16,4 | 8,7 |
| Қумқўрғон | 14,2 | 7,2 | 2,3 | 3,7 | 3,1 | 3,6 | 4,2 | 2,9 | 5,3 | 17,5 | 12,6 | 8,7 | 15,4 | 7,7 |
| Музработ | 19,9 | 4,4 | 1,7 | 7,7 | 5,1 | 4,6 | 5,5 | 14,4 | 3,0 | 6,1 | 7,9 | 11,0 | 12,5 | 8,0 |
| Сариосиё | 0,5 | 2,3 | 0,8 | 1,7 | 4,0 | 2,0 | 2,3 | 2,3 | 0,7 | 2,1 | 5,8 | 3,2 | 8,9 | 2,8 |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Термиз | 4,8 | 25,2 | 14,3 | 2,3 | 2,9 | 2,4 | 3,1 | 2,3 | 3,3 | 10,0 | 4,9 | 10,1 | 9,5 | 7,3 |
| Узун | 15,7 | 7,0 | 1,0 | 1,6 | 1,7 | 2,1 | 2,1 | 4,5 | 1,2 | 10,7 | 7,6 | 19,1 | 22,3 | 7,4 |
| Шеробод | 15,7 | 15,1 | 1,4 | 3,0 | 0,6 | 0,7 | 1,3 | 1,9 | 0,7 | 7,8 | 6,8 | 17,5 | 12,5 | 6,5 |
| Шўрчи | 15,3 | 5,4 | 4,2 | 8,9 | 3,0 | 4,0 | 4,2 | 9,5 | 2,3 | 13,4 | 13,0 | 12,6 | 10,7 | 8,2 |

**4-жадвал**

**Сурхондарё вилояти ҳудудларига киритилган инвестиция манбаларидаги хорижий маблағлар улуши, фоизда [4]**

| Ҳудудлар номи | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | Ўртача |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Термиз ш. | 27,8 | 29,6 | 27,0 | 38,3 | 15,1 | 12,5 | 8,1 | 12,8 | 18,0 | 26,0 | 40,8 | 33,2 | 25,3 | 24,2 |
| Олтинсой | 11,3 | 10,6 | 1,9 | 0,7 | 0,0 | 0,1 | 0,0 | 0,0 | 3,3 | 49,5 | 28,5 | 29,8 | 30,0 | 12,7 |
| Ангор | 9,2 | 8,6 | 19,1 | 5,4 | 19,9 | 17,0 | 10,1 | 15,1 | 15,6 | 25,5 | 19,8 | 41,7 | 59,4 | 20,5 |
| Бандихон | x | x | x | x | x | x | x | x | x | x | 26,3 | 9,8 | 34,4 | 23,5 |
| Бойсун | 28,1 | 7,6 | 30,1 | 39,1 | 51,1 | 46,9 | 38,8 | 40,2 | 47,9 | 95,3 | 93,4 | 83,6 | 89,2 | 53,2 |
| Денов | 6,2 | 1,4 | 1,0 | 0,9 | 3,6 | 3,1 | 0,4 | 2,7 | 2,8 | 34,0 | 40,9 | 42,0 | 30,3 | 13,0 |
| Жарқўрғон | 7,0 | 17,5 | 11,7 | 1,6 | 3,9 | 3,3 | 3,8 | 23,9 | 24,5 | 54,2 | 20,8 | 27,2 | 28,7 | 17,5 |
| Қизириқ | 6,3 | 14,8 | 14,6 | 6,3 | 0,0 | 0,1 | 0,0 | 0,0 | 0,7 | 40,5 | 33,2 | 51,5 | 38,4 | 15,9 |
| Қумқўрғон | 2,5 | 5,2 | 3,5 | 2,1 | 3,6 | 3,0 | 5,9 | 22,0 | 22,2 | 28,5 | 41,9 | 55,5 | 42,8 | 18,4 |
| Музработ | 3,7 | 21,0 | 15,2 | 8,3 | 2,8 | 0,1 | 0,0 | 0,0 | 37,6 | 62,7 | 43,5 | 50,8 | 33,7 | 21,5 |
| Сариосиё | 0,1 | 0,6 | 7,2 | 0,9 | 0,0 | 0,1 | 0,0 | 0,0 | 41,9 | 49,5 | 68,2 | 34,0 | 19,4 | 17,1 |
| Термиз | 11,5 | 5,3 | 15,7 | 29,4 | 20,3 | 14,4 | 27,7 | 18,6 | 36,8 | 46,7 | 40,5 | 52,5 | 40,2 | 27,7 |
| Узун | 1,5 | 0,9 | 0,0 | 1,4 | 0,0 | 0,1 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 46,7 | 52,4 | 33,8 | 23,5 | 12,3 |
| Шеробод | 1,8 | 0,4 | 11,2 | 7,9 | 31,7 | 26,3 | 19,3 | 4,1 | 13,1 | 60,7 | 67,0 | 38,5 | 39,1 | 24,7 |
| Шўрчи | 10,5 | 6,6 | 9,7 | 2,4 | 0,0 | 0,1 | 0,0 | 0,0 | 0,3 | 31,3 | 49,6 | 40,1 | 44,0 | 15,0 |

Демак, туман ва шаҳарлардаги инвестицион фаоллик ўсмоқда. Шундай бўлсада, ҳануз диспропорция юқорилигича қолмоқда. Яъни, энг юқори ва паст кўрсаткичга эга ҳудудлар ўртасидаги фарқланиш 4 баробар ҳамда ундан ҳам юқори қийматларга эга ҳисобланади. Бу эса, инвестицияларни жалб этишни оптимал тартибга солишни такомиллаштиришнинг муҳимлигини ифодалайди. Бунинг учун, Сурхондарё вилоятида хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга эътибор қилиш зарур. Хорижий тажрибаларда юқори самара берган усул ва йўл эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ҳамда кенгайтиришдан иборат.

Шу билан бирга, хорижий капитал каби тўғридан-тўғри инвестициялар таркибида банклар ва аҳоли маблағлари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичнинг юқори даражаси Термиз шаҳри (19,4 фоиз) ҳамда Термиз туманига (17,1 фоиз) тўғри келган бўлса, паст ҳолат Бойсун туманига (6,6 фоиз) тегишли (5-жадвал). Мазкур ҳолатда юқори кўрсаткичларни ифодалашда икки жиҳатни кўрсатиб ўтамиз. Жумладан, мазкур ҳудудларда аҳоли даромадлари ҳамда уларга тўғри келган ишлаб чиқариш кўлами бошқа туманларга қараганда юқори ҳисобланади. Иккинчи муҳим жиҳат эса, мазкур туман ва шаҳарларда мавжуд инфратузилма объектлари, хусусан тижорат банклари сони қолган туманларга қараганда юқоридир. Демак, инвестицияларни жалб этиш ҳамда ҳудудлар даражасида оптимал тақсимлашда улардаги инвестиция салоҳияти ҳамда жозибадорлигини ошириш муҳим саналар экан.

Юқорида олиб борилган тадқиқотларимиз асосида хулоса қилсак минтақа ҳудудларида мавжуд инфратузилма, аҳоли даромадлари ҳамда табиий ресурслар фарқланиши ўз навбатида инвестицияларнинг ҳам нотекис тақсимланишига сабаб бўлган. Бу эса, ҳудудларни инвестиция салоҳиятини оширишга, уларнинг жозибадорлигини ривожлантиришга эътибор қаратишни талаб этмоқда [3]. Бунда, вилоятнинг чегара ҳудудлардаги жойлашганлиги, сиёсий омиллар таъсири юқорилигига ҳам эътибор беришимиз лозим. Мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш учун эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш зарур. Айниқса, халқаро тажрибаларга мувофиқликда яратилган имтиёзларни максимал даражада берилиши лозим. Чунки, Европа, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларда эркин иқтисодий зоналар асосан чегара ҳудудларда ҳамда мамлакатнинг чекка вилоятларида ташкил этилади. Бу тажриба Сурхондарё вилояти учун мос келади.

**5-жадвал**

**Сурхондарё вилояти ҳудудларига киритилган инвестиция манбаларидаги тижорат банклари ва аҳоли маблағлари улуши, фоизда [4]**

| **Ҳудуд номи** | **2010** | **2011** | **2012** | **2013** | **2014** | **2015** | **2016** | **2017** | **2018** | **2019** | **2020** | **2021** | **2022** | **Ўртача** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Термиз ш. | 5,5 | 7,6 | 11,9 | 19,1 | 32,7 | 31,7 | 27,1 | 15,6 | 30,7 | 31,6 | 13,7 | 12,9 | 12,6 | 19,4 |
| Олтинсой | 1,9 | 20,8 | 27,4 | 18,8 | 6,9 | 10,4 | 9,9 | 9,9 | 15,4 | 8,4 | 7,1 | 18,6 | 4,8 | 12,3 |
| Ангор | 12,0 | 12,6 | 12,4 | 15,8 | 7,7 | 6,8 | 12,4 | 13,6 | 40,1 | 20,7 | 8,9 | 15,9 | 9,3 | 14,5 |
| Бандихон | x | X | x | x | x | x | x | x | x | x | 7,8 | 11,6 | 8,2 | 9,2 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Бойсун | 3,3 | 14,2 | 7,9 | 18,3 | 5,2 | 4,4 | 3,3 | 9,6 | 14,4 | 1,4 | 0,3 | 2,5 | 0,5 | 6,6 |
| Денов | 9,9 | 16,3 | 18,1 | 16,1 | 14,2 | 13,9 | 12,1 | 9,1 | 46,9 | 18,1 | 4,3 | 7,0 | 4,8 | 14,7 |
| Жарқурғон | 17,7 | 4,7 | 10,1 | 13,0 | 10,3 | 10,7 | 23,2 | 20,7 | 33,6 | 20,7 | 12,1 | 11,7 | 14,4 | 15,6 |
| Қизириқ | 11,0 | 8,8 | 28,6 | 16,7 | 16,5 | 15,8 | 8,9 | 12,7 | 33,3 | 12,1 | 17,3 | 7,5 | 18,4 | 16,0 |
| Қумқурғон | 8,0 | 8,9 | 5,7 | 12,5 | 9,9 | 8,5 | 7,6 | 8,9 | 18,8 | 19,3 | 17,1 | 11,0 | 6,8 | 11,0 |
| Музработ | 14,9 | 14,7 | 26,9 | 30,5 | 12,5 | 10,7 | 14,6 | 12,3 | 13,9 | 4,9 | 11,9 | 4,9 | 5,3 | 13,7 |
| Сариосиё | 31,5 | 11,7 | 5,5 | 15,3 | 15,6 | 11,3 | 10,9 | 5,9 | 34,4 | 20,5 | 4,2 | 3,1 | 10,4 | 13,9 |
| Термиз | 19,0 | 15,8 | 14,8 | 14,6 | 10,5 | 29,1 | 21,7 | 21,7 | 10,6 | 22,3 | 25,6 | 5,8 | 10,6 | 17,1 |
| Узун | 12,0 | 17,0 | 13,8 | 31,4 | 14,0 | 19,7 | 9,9 | 24,7 | 25,3 | 6,2 | 6,6 | 12,8 | 18,0 | 16,3 |
| Шеробод | 14,2 | 24,5 | 22,4 | 17,6 | 11,8 | 10,4 | 7,7 | 17,2 | 33,0 | 4,7 | 1,6 | 3,0 | 3,9 | 13,2 |
| Шўрчи | 23,3 | 23,4 | 8,8 | 19,6 | 9,8 | 22,8 | 14,7 | 20,4 | 29,6 | 15,3 | 10,2 | 6,6 | 4,6 | 16,1 |

Минтақада инвестициялар ва уларнинг манбалари бўйича таркибий ўзгаришларни баҳолаймиз. Амалга оширилган таҳлилларимизни ифодалашича, инвестицияларнинг ҳудудлардаги улуши бўйича таркибий ўзгаришларнинг ижобий жиҳатлари Бандихон (0,075), Бойсун (0,129), Шеробод (0,120) туманларидан ташқари шаҳар ва туманларга мос келган (6-жадвал). Яъни, инвестицияларнинг ҳудудлардаги улуши бир-бирига яқин ҳолатни ифодалаган. Шунингдек, корхона ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган инвестициялар бўйича таркибий ўзгаришларни тадқиқ қилганимизда ўзаро мувофиқликни аниқладик. Тижорат банклари ва аҳоли маблағлари бўйича олиб борилган таҳлилларимиз ҳудудларнинг кескин фарқланишини ифода этмоқда. Шунингдек, давлат бюджети маблағлари фарқланиши Жарқўрғон туманидан (0,059) бошқа ҳудудларнинг барчасида кузатилган. Шу билан бирга, уларнинг инвестицияларни минтақада жалб этишга таъсирчанлигини баҳолаймиз.

**6-жадвал**

**Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида кластерли ёндашув асосида аниқланган таркибий силжишлар [4]**

| Ҳудудлар номи | Инвестициянинг ҳудудлардаги улуши бўйича | Корхона ўз маблағларининг инвестициядаги улуши бўйича | Тижорат банклари ва аҳоли маблағларининг инвестиция | Хорижий маблағларнинг инвестициядаги улуши бўйича | Давлат бюджети маблағларининг инвестициядаги улуши бўйича |
|---|---|---|---|---|---|

| | | | даги улуши бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Термиз ш. | 0,018 | 0,021 | 0,042 | 0,034 | 0,109 |
| Олтинсой | 0,009 | 0,026 | 0,112 | 0,162 | 0,087 |
| Ангор | 0,017 | 0,012 | 0,111 | 0,100 | 0,131 |
| Бандихон | 0,075 | 0,031 | 0,025 | 0,179 | 0,094 |
| Бойсун | 0,129 | 0,069 | 0,221 | 0,027 | 0,192 |
| Денов | 0,015 | 0,009 | 0,183 | 0,071 | 0,159 |
| Жарқурғон | 0,010 | 0,016 | 0,055 | 0,116 | 0,059 |
| Қизириқ | 0,025 | 0,014 | 0,118 | 0,104 | 0,081 |
| Қумқурғон | 0,010 | 0,009 | 0,034 | 0,043 | 0,098 |
| Музработ | 0,010 | 0,014 | 0,065 | 0,075 | 0,162 |
| Сариосиё | 0,027 | 0,035 | 0,171 | 0,094 | 0,192 |
| Термиз | 0,008 | 0,022 | 0,072 | 0,033 | 0,188 |
| Узун | 0,009 | 0,013 | 0,094 | 0,116 | 0,133 |
| Шеробод | 0,120 | 0,019 | 0,119 | 0,086 | 0,125 |
| Шўрчи | 0,006 | 0,010 | 0,079 | 0,087 | 0,098 |

Жумладан, инвестициянинг ҳудудлардаги улушига корхона ўз маблағларининг таъсири юқори бўлиб, тижорат банклари ва аҳоли маблағлари (0,40) ҳамда давлат бюджети (0,23) манбалари кучсиз ижобий таъсирга эга.

Шунингдек, корхона ўз маблағлари билан тижорат банклари ҳамда аҳоли маблағлари (0,52) ҳамда давлат бюджети (0,45) ўртасида ҳам ижобий боғланишни аниқладик. Шунингдек, тижорат банклари ва аҳоли маблағлари ҳамда давлат бюджети ўртасида ҳам ижобий боғланишни мавжуд (0,58). Хорижий капитал билан қолган манбалар ўртасида тескари кучсиз боғлиқлик аниқланди (7-жадвал).

**7-жадвал**

**Сурхондарё вилоятида инвестицияларнинг тақсимланишига таъсир қилувчи омилларнинг корреляцион боғлиқлиги**[1]

| *Кўрсаткич* | *У* | *Х 1* | *Х 2* | *Х 3* | *Х 4* |
|---|---|---|---|---|---|
| ***У*** | 1 | | | | |
| ***Х 1*** | 0,689712 | 1 | | | |
| ***Х 2*** | 0,404781 | 0,519779 | 1 | | |
| ***Х 3*** | -0,07025 | -0,14112 | -0,20321 | 1 | |
| ***Х 4*** | 0,234401 | 0,451681 | 0,582309 | -0,5209 | 1 |
| ***Изоҳ:*** | | | | | |
| ***Омил номи*** | **Инвестициянинг** | **Корхона ўз маблағлар** | **Тижорат банклари ва** | **Хорижий маблағла** | **Давлат бюджети** |

[1] Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тўлдирилган.

| | ҳудудлардаги улуши бўйича | инининг инвестициядаги улуши бўйича | аҳоли маблағларининг инвестициядаги улуши бўйича | рнинг инвестициядаги улуши бўйича | маблағларининг инвестициядаги улуши бўйича |
|---|---|---|---|---|---|
| *Белгиси* | У | Х 1 | Х 2 | Х 3 | Х 4 |

Демак, давлат бюджети маблағлари асосан маҳаллий инвестициялар кўламига юқори боғлиқликни ифодаламоқда. Шунингдек, вилоятда инвестицияларни жалб қилишда устувор манба корхона ўз маблағларига тегишли. Бу эса, вилоятнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик салоҳияти мавжудлигини, уни ривожлантиришга эътибор қилишни талаб этади. Жумладан, тадбиркорликни дастлаб меҳнатталаб соҳаларга, хусусан, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатига эътибор қилиш зарур.бу тармоқларнинг кенгайиши ҳисобига қишлоқ хўжалигининг капитал билан таъминланиши ўсади ҳамда саноатнинг капитал талаб тармоқлари ривожланади [2].

Шунингдек, юқоридагилар асосида амалга оширилган корреляцион боғлиқлик орқали регрессия таҳлилини ҳам амалга оширамиз. Олинган натижаларни ифодалашича қуйидаги тенгликни ишлаб чиқдик:

$$InvHudTaqsim_t = 1{,}85 * HudKorUlush_t + 0{,}10 * HudTijBank_t - 0{,}03 * HudXorUlush_t - 0{,}17 * DavBudjUlush_t + 0{,}008 \quad (1)$$

(R2=70, F=2,45, PF=0,10)

Бунда: $InvHudTaqsim_t$ – вилоят туман ва шаҳарларига киритилган инвестицияларнинг жами улуши.

$HudKorUlush_t$ – ҳудудларга киритилган инвестициялардаги корхона маблағларининг улуши.

$HudTijBank_t$ – ҳудудларга киритилган инвестициялардаги тижорат банклари маблағларининг улуши.

$HudXorUlush_t$ – ҳудудларга киритилган инвестициялардаги хорижий маблағларнинг улуши.

$DavBudjUlush_t$ – ҳудудларга киритилган инвестициялардаги давлат бюджети маблағларининг улуши.

Демак, корхона маблағларининг инвестициялардаги улушининг 1 фоизга ўзгариши ҳудудлардаги инвестиция жалб этиш кўламини 1,85 фоизга, тижорат банклари ва аҳоли маблағларининг 1 фоизга ўзгариши эса 0,10 фоизга мутаносиб ўсишини таъминламоқда.

**Хулоса ва таклифлар**

Олинган натижаларни ифодалашича, минтақада тўғридан тўғри инвестициялар кўламининг таъсири ҳам миқдор, ҳам самарадорлик бўйича ижобий бўлмоқда. Яъни, корхона ва аҳоли маблағлари тадбиркорлик капиталининг асосини ташкил этади. Шундай бўлсада, давлат бюджетининг салбий таъсири киритилган маблағларнинг узоқ муддатлилиги ҳамда ижтимоий аҳамиятидандир. Яъни, давлат бюджети асосан ишлаб

чиқариш ва ижтимоий инфратузилмага йўналтирилган. Шундай бўлсада, унинг билвосита таъсири юқори ижобий ҳисобланади.

Демак, вилоят ва унинг ҳудудларида инвестицияларни жалб этишни оптимал тартибга солишда асосий эътиборни корхона ҳамда аҳоли ва тижорат банклари манбаларига қаратишимиз лозим. Жумладан, улар кўламини ошириш талаб қилинади. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушини ҳам кенгайтиришимиз, бунда юқори қўшилган қиймат яратувчи соҳаларга йўналтиришимиз лозим.

## Адабиётлар/Литература/References:


1. OECD (2020), Инвестиционные перспективы в странах Восточного партнерства www.oecd.org/investment/ Investment-perspectives-in-Eastern-Partner-countries.pdf; Кочемасова А.В. Мировой опыт привлечения прямых иностранных инвестиций в условиях глобализации экономики // Финансы и кредит. 2013, 18 (546). С.66-77.
2. Дадахонова С.М. Хорижий мамлакатларда инвестиция фаолиятини тартибга солиш йўллари // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a9
3. Ирхин Ю.В. Канадский опыт государственной региональной политики: сравнительный анализ // Социально-гуманитарные знания. 2008. № 6. С. 225–240.
4. www.stat.uz

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SPR1342V3SI8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/8 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).